МУРСАК — АСРЛАР ОША АВЛОДДАН АВЛОДГА ЎТГАН ЛИБОС

Ўзбекистон амалий санъат ва
ҳунармандчилик тарихи
давлат музейи кўчма
кўргазмалар бўлими мудири ***Г. Джалалова,***
бош мутахассис
Г. Мусажонова.

Аннотация: *Мазкур мақолада ўзбек аёлларининг анъанавий кийим-кечаклари таркибида алоҳида ўрин эгаллаган мурсак либосининг келиб чиқиши, тарихий шаклланиши ва ривожланиш жараёни тадқиқ этилади. Мурсакнинг ўзбек аёллари ҳаётидаги ўрни, унинг кундалик ва маросимий кийим сифатидаги вазифалари, айниқса, келинлик либослари мажмуасидаги аҳамияти ёритилади. Шунингдек, мурсакнинг конструктив тузилиши, бичими, енг шакллари, фойдаланилган матолари, безак элементлари ва тикилиш усулларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *мурсак, мунисак, мирсак, миллий либос, аёллар кийими, ўзбек миллий кийими, анъанавий кийим, адрас, беқасам, шойи, тўқимачилик, тикувчилик, этнография, амалий санъат, келинлик кийими, музей коллекцияси.*

Аннотация: *В данной статье исследуются происхождение, историческое формирование и процесс развития мурсака — одного из важных элементов традиционной одежды узбекских женщин. Освещается место мурсака в жизни узбекских женщин, его функции как*

повседневной и обрядовой одежды, а также его особое значение в составе свадебного костюма невесты. Кроме того, анализируются особенности конструктивного строения и кроя мурсака, формы рукавов, используемые ткани, декоративные элементы и традиционные способы его изготовления.

Ключевые слова: *мурсак, мунисак, мирсак, национальный костюм, женская одежда, узбекская национальная одежда, традиционная одежда, адрас, бекасам, шёлк, ткачество, швейное дело, этнография, декоративно-прикладное искусство, свадебная одежда, музейная коллекция.*

Annotation*: This article examines the origin, historical formation, and development of the mursak, one of the important elements of traditional Uzbek women's clothing. It highlights the role of the mursak in the lives of Uzbek women, its functions as both everyday and ceremonial clothing, and its particular significance as part of the traditional bridal costume. The study also analyzes the specific features of the mursak's construction and cut, sleeve forms, fabrics used, decorative elements, and traditional methods of production.*

Keywords: *mursak, munisak, mirsak, national costume, women's clothing, Uzbek national clothing, traditional clothing, adras, bekasam, silk, textile production, tailoring, ethnography, decorative and applied arts, bridal clothing, museum collection.*

Кириш:

«Либос — инсоннинг ташқи зийнати, унинг диди, маданияти ва миллий ўзлигини намоён этувчи муҳим воситадир.» Айниқса, миллий либослар халқнинг ўзига хослигини, гўзалликка бўлган қарашларини ва

Ilm fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va zamonaviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari

бой маънавий дунёсини намоён этади. Асрлар давомида шаклланиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган миллий кийимларимиз халқимизнинг миллий ўзлиги, қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарини ўзида мужассам этган бебаҳо маданий мерос ҳисобланади. Улар нафақат инсоннинг ташқи қиёфасини безаган, балки унинг яшаш тарзи, ижтимоий мавқеи ва оилавий ҳолати ҳақида сўзлаб беради.

Аёлларнинг анъанавий кийим-бошлари — кўйлак, лозим, чопон, мурсак, тўн, пешмат, камзул, нимча, паранжи-чачвон (шаҳарлик аёлларнинг мажбурий устки кийими ҳисобланиб, кўчага чиққан пайтларида уларни бошга ёпиниб юрганлар) лардан ҳамда, хилма-хил рўмоллар, ранг-баранг дўппилардан иборат бўлган.[1]

Шу жумладан улар орасида мурсак алоҳида ўрин эгаллайди. Мурсак турли ҳудудларда турлича номланади. Тошкентда - мурсак, Хоразмда - мисак, Самарқандда - калтача, Фарғонада - мунисак, мунсак, Бухоро ва Шаҳрисабзда - калтача номлари билан аташган. Манбаларда XIX асрда Марказий Осиёда мурсак аёлларнинг устки кийими сифатида қўлланган қайд этилади[2].

Ташқи кўриниши жиҳатидан чопонга ўхшаб кетса-да, унинг бичими ва айрим хусусиятлари билан ундан фарқ қилади. Мурсакда ёқанинг бўлмаслиги, енгларининг ўзига хос кенг ва қисқа бичилиши ҳамда енг остидаги бурмалар уни чопондан ажратиб туради. Бундан ташқари турли ҳудудларда ўзига хос тарзда тикилган. Шу сабабли уларнинг бичими, енг шакли, матоси, ранги ва безакларида айрим ҳудудий фарқлар кузатилади.

Мурсакни ўрганишда унинг ҳудудий хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Мурсакнинг ҳудудий хусусиятлари, айниқса енгларининг узунлиги ва кенглиги Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳудудларида бир-биридан фарқ қилган. Тошкент мурсаклари нисбатан қисқа, Самарқанд мурсаклари узун

[1] Содиқова Нафиса. Ўзбек миллий кийимлари. XIX —XX асрлар / 31-37 бетлар.
[2] World Society for the Study, Preservation and Popularization of Cultural Heritage of Uzbekistan. “Do you know what is mursak?” 29 July 2023.

ва учига томон тораювчи, Бухоро мурсаклари эса кенг ва қисқа енглари билан ажралиб турган.[3]

Маълумки, ўзбек халқи миллий маросимларда турли хилдаги кийимлар кийишади. Никоҳ тўйида келин либоси, хатна тўйида тўй бола либоси, дафн маросимида кийиладиган либослар. Бундан ташқари кундалик учун кийиладиган либосларга бўлинади. Жинсига қараб: эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, ёшига қараб: ёшлар, ўрта ёшли, кексалар кийимлари. Ўзбек аёлларининг либослари ички (ичдан киядиган) ва устки кийимдан иборат.

XIX асрда мунисакнинг яна бир ўзига хос қўлланилиши мавжуд бўлган. Тошкентдаги каби, Самарқандда ҳам турмушга чиққанидан кейинги дастлабки йилларда ёш келин мурсакни бошларига ташлаб юришган. Бунда мурсак бироз ёнбошлатиб кийилган: бир енгининг тешиги орқали бошдан ўтказилиб, иккинчи енг эса юқорига кўтариб қўйилган.

Келин шу тарзда қайнота ва қайнонага юзини кўрсатмасдан юрган. Келиннинг юзини кўрсатиши одоб меъёрларига зид ҳисобланган. Шу сабабдан ташқарига чиқишга тўғри келса, мурсакни худди паранжи каби бошга ташланиб юрилган. Фарзандли бўлганидан кейин у мурсак билан юзини очиб юриш мумкин бўлган. Бу шубҳасиз, унинг ижтимоий-маиший мавқеидаги муҳим ўзгаришни — кейинги авлодга, яъни оналар тоифасига ўтишини англатган.[4]

XIX аср охири ва XX аср бошларида мурсакнинг вазифаси ўзгариб, у кундалик ва маросим кийимидан аста-секин мотам либосга айланган. Марҳумнинг қариндош аёллари, шунингдек, маҳалладаги аёллар — марҳум билан қариндош бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар — дафн маросими ва марҳумни хотирлаш маросимига мурсак кийиб келганлар. Бунда мурсак устидан белбоғ боғланганар. Бироқ унинг тарихий ва бадиий

[3] Среднеазиатская одежда XIX–XX веков // Society.uz. 16.10.2023.
[4] О.А. Сухарева ИСТОРИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО КОСТЮМА. 34-44 бетлар.

қиёфаси бугунги кунгача сақланиб қолган музей намуналари орқали ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи коллекциясида турли ҳудудларга мансуб мурсак намуналари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари экспозиция залларида намойиш этилмоқда. Жумладан, либослар залида Тошкент ва Бухоро ҳудудларига оид икки мурсак намунаси намойишга қўйилган. Икки мурсак ҳам тикилиши жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади.

XX аср бошларига оид мазкур мурсак Бухоро мактабига мансуб бўлиб, шойи ва пахта толаларидан тайёрланган абр нақшли матодан тикилган. Либоснинг кенг ва эркин бичими, енгларининг кенглиги ҳамда этак қисмининг пастга томон кенгайиб бориши Бухоро аёллар кийимига хос анъанавий хусусиятларни акс эттиради.

Музей коллекцияларида сақланаётган мурсак намуналари билан бир қаторда, ушбу миллий либос намуналари сўнгги йилларда хорижий кўргазмаларда ҳам намойиш этилмоқда.

2022 йилда Араб дунёси институтида «Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари» номли кўргазма очилди. Ушбу кўргазмада ўзбек миллий либослари ва амалий санъат намуналаридан иборат жами 75 та музей ашёси намойиш этилди. Экспозициядан ўрин олган ашёлар орасида 6 тасини мурсаклар ташкил этган.

2024 йил 17 март куни Боку шаҳридаги Ҳайдар Алиев марказида «Чоклардаги мерос: Ўзбекистоннинг каштачилик ва тикувчилик анъаналари бўйлаб саёҳат» номли кўргазма ташкил этилди. Мазкур кўргазмада ўзбек халқининг бой каштачилик ва тикувчилик анъаналарини намоён этувчи жами 61 та музей ашёси намойиш этилган. Мазкур ашёлар орасида 3 та мурсак намунасининг ҳам ўрин олиши ушбу либос турига хос бичим, тикилиш усуллари, мато танлаш ва безаклаш анъаналарини халқаро миқёсда намоён этишга хизмат қилди.

Шу нуқтаи назардан, мурсак намуналарининг хорижий кўргазмаларда тақдим этилиши миллий либос меросимизни халқаро миқёсда оммалаштириш, унинг ўзига хос хусусиятларини кенг жамоатчиликка етказиш ва келажак авлодлар учун сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай кўргазмалар музей коллекцияларида сақланаётган анъанавий либосларни илмий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг маданий қийматини янада чуқурроқ англаш ҳамда ўзбек халқининг бой кийиниш маданиятини халқаро маданий мулоқот доирасида намоён этиш учун муҳим имконият яратади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, мурсак ўзбек аёлларининг анъанавий кийимлари орасида муҳим ўрин тутган ва халқимизнинг кийиниш маданиятини ўзида акс эттирган миллий либослардан биридир. Унинг бичими, енгларининг шакли, матоси ва безакларидаги ўзига хосликлар турли ҳудудлардаги кийиниш анъаналарининг фарқини кўрсатади. Айниқса, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро мурсакларидаги фарқлар ҳар бир ҳудудга хос бадиий дид ва кийиниш анъаналари шаклланганини кўрсатиб беради.

Мурсакнинг тўй ва никоҳ маросимларида қўлланилгани унинг халқимиз ҳаётида нафақат кийим, балки маросимий аҳамиятга эга бўлган либос сифатида ҳам муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Бугунги кунда музейларда сақланаётган мурсак намуналари ушбу либоснинг тарихи ва ҳудудий хусусиятларини ўрганиш учун муҳим манбаа бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида сақланаётган Тошкент ва Бухоро мурсаклари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини бевосита музей ашёлари асосида ўрганиш имконини беради. Шунингдек, мурсак намуналарининг хорижий кўргазмаларда намойиш этилаётгани унинг ўзбек миллий маданиятидаги ўрни ва бадиий қимматини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилмоқда.

Шу боис мурсакни ўрганиш, музейларда сақлаш ва тарғиб қилиш орқали нафақат қадимий либос намунасини, балки у билан боғлиқ бўлган миллий урф-одатлар, маросимлар ва кийиниш анъаналарини ҳам асраб қолиш мумкин. Мурсак — халқимизнинг ўтмиши, миллий диди ва маданий меросини ўзида мужассам этган либос намуналаридан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Содиқова Нафиса. Ўзбек миллий кийимлари. XIX —XX асрлар / 31-37 бетлар.

2. ПАМЯТИ МИХАИЛА СТЕПАНОВИЧА АНДРЕЕВА, ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК ТАДЖИКСКОЙ ССР СТАЛИНАБАД 1960. Мақола муаллифи: Бикжанова М.А

3. О.А. Сухарева ИСТОРИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО КОСТЮМА. 34-44 бетлар.

4. https://society.uz/